# Албатта, бу дин осонликдир

10:44 / 03.04.2019    2134

???? ????? ?????????? ?????? ????? ??????? ????
?????????? ? ?????: «????? ???????? ???????
?????? ???????? ???????? ?????? ?????? ?????????
??????????? ??????????? ?????????????
?????????????? ????????????? ?????????????
???????? ???? ???????????». ???????
?????????????.

18. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, бу дин осонликдир. Ким динда ашаддийлашса,** (дин) **уни енгмай қўймайди. Тўғриликни лозим тутинглар,** (ҳеч бўлмаса шунга) **яқин бўлинглар ва хушхабар беринглар. Эрталаб, тушдан кейин ва туннинг охирида** (ибодатга Аллоҳдан) **ёрдам сўранглар»**, дедилар».*

Бухорий ривоят қилган.

* Тўғрилик муболаға ҳам, ноқислик ҳам бўлмаган нарсадир. Хушхабар бериш – гарчи оз бўлса-да бардавом бўлган амалга ажр ва савоб берилишини айтиш. Ушбу ҳадисда эрталаб ва тушдан кейин киши тетик ва фаол пайтида ибодат қилишга ҳамда туннинг охирги қисмида ибодат қилишга чақирилмоқда.